


# «БИЗ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСМИЗ!»

**– дейди Амударё тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Ражаббой Йўлдошев**

Туманимиз аҳли халқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлган деҳқончилик соҳасида бор имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда меҳнат қилаяпти. Бу йил об-ҳавонинг ноқулай келганига қарамасдан режадаги 16 минг гектар майдонга чигит қадалди. 3 минг гектар ерга эса кузги буғдой экишни режалаштирганмиз. Айни кунда хўжалигимиз далаларида жорий йил режаларини уддалашга имкон бергудек миқдорда асос яратилмоқда.

Ҳамма жойда бўлгани каби бугунги кунда бизлар ҳам ўтган давр мобайнида, аниқроғи, мустақиллик даврида қандай ишларни амалга оширганлигимизни сарҳисоблар қилаяпмиз. Мустақилликнинг ўтган йиллари биз учун чинакамига янгиланиш даври бўлди.

Қишлоқ хўжалиги экинлари парвариши учун кейинги икки йил ичида лизинг асосида туманимизга 140 тадан зиёд техника келтирилган эди. Бу йил яна янги трактор учун тегишли шартномалар туздик.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан туманимиздаги 9 та хўжаликни фермер хўжаликлари бирлашмаларига айлантирдик. Бу яқин йиллар ичида ўз самарасини беришига ишонаман. Чунки бунинг дастлабки натижалари дала ишларида ўз ифодасини топмоқда. Масалан, ёнилғини тежаш, техникаларнинг соз ва унумли ишлашига эришиш, минерал ва маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланиш, ортиқча чиқитга йўл қўймаслик, мавсум жараёнида вақтнинг ғаниматлигига яхши эътибор бериш каби тушунчалар ҳар бир меҳнатчида шаклланмоқда.

– Туманда асосий тармоқлардан бири бўлган чорвачиликни ривожлантириш юзасидан қандай иш олиб бораяпсизлар?

– Шуни айтиб ўтиш зарурки чорвачилик ҳеч қачон қолоқ соҳа ҳисобланган эмас, фақат уни мақсадли равишда ривожлантира билиш зарур.

Инсоният ўз тирикчилиги учун ўзига фойдали соҳаларни асрдан асрга қадар олиб ўтган. Зарарли соҳа табиийки, йўқолиб бораверган. Шунга монанд халқимиз асрлар мобайнида сигир боқиб, тирикчилик қилган, чорвачиликда илк амалий тажриба тўплаган. Бу тажрибалар бизда эндиликда тобора бойитилмоқда. Мана «Хўжақул» фермер хўжалигини олайлик. Исроил технологияси асосида сутни қайта ишлаш саноатини қишлоқ хўжалигига жорий қилдик. «Эрлапас» фермер хўжалиги эса гўшт, сут етиштириб беришда яхши тажриба орттирди. Улар бу соҳанинг истиқболини юзага чиқаришмоқда. Етти хазинанинг бири ҳисобланиб келинган чорвачилик ишончли эгаларига топширилмоқда. Вақт эса бу тадбиримизнинг нақадар оқилона амалга оширилганлигини кўрсатмоқда. Одамларимиз онгидаги янгиланиш, фикрларнинг янги шаклланиши бунга тўла ишонч туғдиради.

– Туманда бошқа соҳалар қай тарзда ривожланаяпти?

– Бу борада зарур чора-тадбирларни белгилаганмиз. Қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналаримиз жойлашган Жумуртау шаҳарчасида анчагина ресурсларимиз мавжуд. Қорақалпоғистоннинг кўплаб туманларига ўз маҳсулотларини етказиб бераётган иккита ғишт заводимиз ишлаб турибди. Пахта толаси сифати бўйича бир неча совринларни, олтин медалларни олишга сазовор бўлган Манғит пахта тозалаш заводининг бу борадаги имкониятлари ҳам бекиёс. Туманимизга чет эл сармояларини жалб қилиш мақсадида Италия – Ўзбекистон «ОКСУС» қўшма корхонасининг томат пастаси ишлаб чиқарувчи линиясини ишга туширишга тайёргарлик кўраяпмиз. Корхонанинг устав жамғармаси 160 минг АҚШ долларини ташкил қилади. Ушбу корхонани хом ашё билан таъминлаш мақсадида помидор етиштириш учун 800 гектар, сабзи етиштириш учун 455 гектар экин майдони ажратилди. Шунингдек, паст навли толадан ва иккиламчи чиқитдан хўжалик ватаси ишлаб чиқаришга мўлжалланган Ўзбекистон – Россия «КАМЕКС» қўшма корхонаси давлат рўйхатидан ўтди.

*Ражаббой ака билан хизмат хонасида учрашдик. У эндигина бўлиб ўтган йиғилишдан чиқиб янги ишлар, янги режалар оғушида хаёлга чўмиб ўтирган экан.*

*– Ҳозиргина мустақиллигимизнинг 11 йиллигини муносиб кутиб олишга бағишланган йиғилишни ўтказдик, – деди у мақсад-муддаомизни англагач. – Биласизми, бу байрам ҳаммамиз учун энг улуғ, энг азиз байрам. Унинг моҳиятиини бугун катта-ю кичик дилдан ҳис этмоқда. Фахрланса арзигулик ишларимиз тобора ортиб бораяпти. Энг муҳими биз бугун ҳеч кимдан кам эмаслигимизни чин дилдан ҳис этаяпмиз. Шунинг ўзи тенгсиз бахт, улкан саодат эмасми? Кўпгина жойлар каби мана Амударё тумани ҳам мустақиллик шуури ила тобора юксалиб бормоқда. Тўғри, унинг шарт-шароитлари ҳали анча мураккаб. Сув танқислиги кейинги йилларда туман иқтисодиётига сезиларли таъсир қилмоқда. Аммо меҳнаткаш халқнинг мардонавор меҳнати боис қийинчиликлар енгиб ўтилиб, қатор соҳалар ривожлантирилмоқда.*



– Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш борасида қилинаётган ишларга ҳам тўхталсангиз?

– Ҳозирги кунда туманимизда 902 та кичик ва ўрта бизнес субъектлари давлат рўйхатидан ўтган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 175 фоизга кўпайди.

Тадбиркорлар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, қурилиш, саноат, савдо соҳасида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашда маълум даражада тажрибага эга. Биргина «Элтузар» кичик корхонаси черепица ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, харидорлар сонини орттирди. Кичик корхона ишлаб чиқарган ҳар хил қурилиш материаллари арзон ва сифатлилиги билан мижозлар эътиборига тушди. Доимий иш жойига эга бўлган мазкур кичик корхона йилига 50-60 миллион сўмлик иш бажармоқда. «Мискар» хусусий фирмаси эса макарон ва мактаблар учун бўр ишлаб чиқариш бўйича яхши тажриба орттираяпти.

Тадбиркорларнинг яхши тажриба мактабини бунёд этаётганини қуйидаги мисолдан ҳам кўриш мумкин. «Ташаббус–2002» кўрик-танловида «Эрлапас» фирмаси хўжалигининг раиси «Энг нуроний тадбиркор» унвонига эга бўлди.

Мустақиллик йилларида миллий қадриятларимиз юксалди. Туманимизнинг ҳар бир фуқароси буни мамнуният билан ҳис қилмоқда. Урф-одатларимиз яна ўз қаддини ростлаб, халқимиз қалбидан жой олаяпти. Наврўз байрамлари, Мустақиллик тантаналари одамларимизнинг интиқиб кутаётган байрам шодиёналарига айланаяпти.

Аввалгидан ҳам кўпроқ имкониятларга эга бўлиб бораяпмиз. Спортчиларимиз дунё юзини кўриб, миллатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишаяпти. Кураш бўйича жаҳон чемпионатининг кумуш медали совриндори Феруза Хайтимбоева, чемпионат совриндори, қатор турнирларда муносиб ўринларни эгаллаётган Зулхижжа Худоёрова, Насиба Абдуллаева, яқинда Испанияда каратэ бўйича бўлиб ўтадиган жаҳон биринчилигида қатнашиш шарафини қўлга киритган Жаҳонгир Бобожонов ҳамда Америка Қўшма Штатларида бир йил таҳсил олиб қайтган Нурбек Дарвишевлар яқиндагина Юртбошимизнинг Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисида айтган «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз!» деган шиорининг нақадар ҳаётийлигини исботлаб туришибди. Замонавий техникалар билан жиҳозланган коллежларда юрт эгалари – ёшларимиз таҳсил олишмоқда. Буларнинг барчаси мустақиллигимиз яратиб берган шароитлар туфайли қўлга киритилаётганлигини ҳеч ким инкор эта олмаса керак.

Энг асосийси, бугун халқимизнинг руҳи тетик, ишончи бутун. Халқимиз кўндаланг келаётган айрим қийинчиликларни вақтинчалик эканлигини чуқур англаган. Ҳамма мустақиллик берган эркин яшаш, ишлаш имкониятларидан тўла фойдаланмоқда.

**Суҳбатдош:**
**Бекназар ЭРНАЗАРОВ,**
**«Адолат»нинг ўз мухбири.**

---

*Шундай яшар одатда одам*

# ТОҒ БАҒРИДАГИ ЧИРОҚ

*Эшбой бобо шаршара яқинига борди. Унга узоқ термулиб хаёлга чўмди: «Ҳа-а, дунёга келибманки, шу шаршара она табиатнинг сирдоши. Унинг қачон яралиб дунёга келганини билмайман. Аммо шуни, яхши биламанки, у табиатнинг не-не сиру синоатларини жонли шоҳиди бўлиб келган. Ким билсин, балки она табиат атайлаб уни шу заминга кўрк қилиб яратгандир. Нима бўлганида ҳам у шу ёруғ оламнинг сирли мўъжизаси. Менинг жўшқин болалигим ҳам у билан қалбан сирдош бўлган...*



**Очерк**

Сангардак тоғининг кенгликлари анчагина гектарларни ташкил қилади. Бу заминга Оллоҳнинг назари тушганми, нимани эксанг ҳосили мўл бўлади. Айниқса, тоғ шароитида оламни яшнатиб турган қизил олмаларни айтмайсизми?!.

Эшбой институтни битириб келиши биланоқ уни Узун ўрмон хўжалигига ўрмончи қилиб ишга олишди. Орадан бир йил ўтгач бош директор лавозимига кўтаришди. Шу хўжаликка у 20 йил бошлиқ бўлди.

...Узун ўрмон хўжалигининг республикага танилиб қолган пайтлари эди. Жамоанинг фидоий кишиларини Тошкентга чақириб қолишди. Улар тўртовлон поездга чиқишди. Ҳамма бир купеда. Гурунг авжида. Эшбой аканинг кўзи уйқуга кетди. Тушида участка нозири келиб бир парча қоғозни ёқиб, унинг хизмат машинасининг капоти устига қолдириб кетибди. У капотга яқин бориб пуфлади, қора қуюн қоғоз учиб, йўқолиб кетди. Шу туш унинг юрагига анчагача тинчлик бермади. Тошкентга бордию, раҳбардан узр сўраб, уйига қайтди.

У эрталаб ишга жўнай деб турганида тўсатдан дарвоза тақиллаб қолди. Чиқиб қараса, участка милиция нозири.

Нозир негадир ундан совуққина ҳол сўради.

– Эшбой ака, нима қилиб қўйганингизни биласизми? Юқоридан келганлар роса тўрт кундан буён ишингизни ғалвирдан ўтказишмоқда. Ҳеч бўлмаса менга нима бўлганини ётиғи билан айтсангиз бўлармиди? Ахир мен сизнинг кимлигингизни яхши биламанку!.. Ҳай, майли, ўзингиздан қолар гап йўқ...

Милиция нозири мотациклининг қорнига бир ниқтади-да, тариллатиб кўздан ғойиб бўлди. Эшбой ака турган жойида мулзам бўлиб, ҳайкалдай қотиб қолди. Ҳаётида кимларга нима яхшилигу, нима ёмонлик қилган бўлса бир бошдан эсга олди. Ҳаёт китобига ғийбату, бировга тош отиш, кўролмаслик, чоҳ қазиш каби ёмон иллатлар битилмаган экан. Ўзига келиб олгач:

– Беайб парвардигор, мумкин хатоликка йўл қўйгандирман. Мумкин кимгадир ёқмагандирман. Нимаям дердим, келишган бўлса текширишсин. Айбим бўлса жазолашсин. Қонун олдида ҳаммамиз баробармиз, – деди ўзини-ўзи юпатган бўлиб.

Эшбой ака шу ўй-хаёллар билан ишхонасига етиб келди. Иш креслосига ўтириши билан телефон жиринглаб қолди. Гўшакни кўтарди.

– Эшитаман!

– Сизни туман Ички ишлари бўлимидан безовта қилаяпмиз. Тезлик билан ҳузуримизга етиб келинг, – деди буйруқ оҳангида. Эшбой калаванинг учини тополмай хуноб бўлди. Шу маҳал эшик очилиб, шаҳар табиатли киши кириб келди. Ўзини таништирди.

– Мен республика газетасининг мухбириман. Эшбой Қодиров, устингиздан катта шикоят тушган. Биз кўпчилик бўлиб уни ўрганяпмиз. Лекин сиз менга очиғини гапиринг. Уларнинг ёзганлари туҳмат бўлса ўзларини фельетон қиламиз.

Шу алфоз телефон яна жиринглаб қолди. Бу сафар гўшакни меҳмон олди.

– Нега кечикаяпсиз? Сизни кутиб турибмиз. Ёки одам жўнатайликми. Унда кўпчиликнинг олдида уялиб қоласиз-а, – деган истеҳзоли овоз таралди.

– Мен республика матбуотидан келган мухбирман, – дея жавоб қилди шаҳарлик киши.

– Э, ҳа-а! Кечирасиз! Бу-сиз-ми? Эшбой Қодировни олиб келишга одам жўнатгандик...

– Чакки қилибсизлар. Яна йигирма минутдан сўнг ўзимиз борамиз, – деди мухбир.

Мухбир тўралар билан келишиб олди, шекилли, гўшакни жойига қўйди. Сўнг Эшбой акага тик боқиб саволларни ёғдира кетди...

«Район» ички ишлари бўлими бошлиғининг хонаси. Стол атрофида саккиз киши ўтирарди. Эшбой акага бурчакдан ўтиришга жой кўрсатишди. Юқорининг тўраси шикоят аризани қўлига дастак қилиб деди:

– Мана бу аризада қилмишларингиз батафсил баён этилган. Агар исботини топса борми, ўзингизни турмадаман деб, ҳис этаверинг!

– Зуғум қилманг. Таҳқирланишимга асло йўл қўймайман. Менга аризани сўзма-сўз ўқиб берасиз. Сўнг уларга жавоб бераман, – деди Эшбой ака қатъият билан.

Улар Эшбойни ариза билан таништиришди.

– Яхши, жавоб беришга тайёрман. Фақат бир илтимосим бор, аризанинг сўнгги бандига шикоятчи билан мени юзлаштирганларингиздан кейин жавоб берсам.

– Яхши, – дея бош силкиди йиғилганлар.

Шикоят ариза қуруқ аравадек шалдираб қолди. Эшбой ака уларга бўш келмади.

– Ҳаддингиздан ошаберманг, ўн олти килограмм тиллони ўз ихтиёрингиз билан давлат хазинасига топширинг. Акс ҳолда уйингизни тинтув қиламиз, – дея дағдаға қилишди текширувчилар.

– Майли, бунисига ҳам розиман.

Милиция ходимлари Эшбой аканинг уйини ишғол қилишди. Тинтувчилар ишни энди бошлай деб туришганида, «ошга пашша тушди». Икки киши хонадон соҳибини йўқлаб келиб қолишди.

– Ким, улар? – деди тўра.

– Булар менинг мижозларим. Хурмо кўчатига келишган. Рухсат этинг, уларинг ҳожатини чиқариб юборай...

Юқоридан келган тўранинг кўнгли юмшадими, «майли» дегандек мойиллик билдирди. Эшбой ака икки юз дона хурмо кўчатини мижозларига тайёрлаб берди. Улар ҳар бир дона кўчат учун уч сўмдан, жами 600 сўмни нақд санаб беришди.

– Неча дона бор бу кўчатлардан? – деди шаҳарлик тўра меҳмонларнинг ортидан кузатиб қолар экан.

– 20 минг дона, – деб лўнда жавоб қилди Эшбой ака.

– Демак, бу 60 минг сўм дегани-да, – деди яна тўра ўзича илмоқлаб.

– Бозор нархида ҳисобласанг бунча пулга «ВАЗ-2106»дан ўн донасини сотиб олиш мумкин, – деди уларнинг сўзига аралашган ОБХСС вакили.

– Энди тиллони қаерга яширганингизни айтинг. Ҳар қалай тинтувни тезроқ ниҳоясига етказганимиз маъқул, – деди тўра.

– Тиллонми, томорқамдаги мана шу хурмо кўчатларининг тагига яширганман. Лекин, қайси бирининг тагига қўйганимни эсимда сақламабман.

Тинтув гуруҳининг бошлиғи жилмайди:

– Яшанг, Эшбой ака. Бойишнинг йўлини яхши билар экансиз. Қани ҳаммаям сиздек меҳнаткаш бўлса. Халқимиз бойиб кетармиди.

Улар чиқиб кетишаётган эди, Эшбой ака деди:

– Ўртоқ бошлиқ, ваъдамиз насия бўлиб қолмаслиги керак. Илтимосимни ерда қолдирманглар...

Шикоят муаллифи ва жавобгар туман ички ишлари бўлимида юзлаштирилди. Эшбой ака не кўз билан кўрмасин шикоятчи қўшнисининг ўзи экан. Уни кўрдию, юраги орқага тортиб, стулга суянганича қолди.

– Шунча яхшиликларим, сийловларимга жавобингиз шу бўлди-ми? Сизга тилло керак бўлган экан ўзимга айта қолсангиз бўлмасмиди. Балки фаровон яшашнинг беғараз йўлини танлаб берар эдим.

Шикоятчининг юзида қон қолмади. Ёлворишга ўтди. Бола-чақасини орага солди. Раҳм-шафқат сўради. Ўзбекчилигимиз-да, яна Эшбой аканинг раҳмдиллиги жўш урди:

– Майли бу гал ҳам гуноҳидан ўтинглар. Мен кечирдим. Бола-чақаси бор. Бунга тилло излашнинг йўлини ўзим ўргатиб қўяман, – деди гапни ҳазилга йўйиб...

...Ўша йили «Сангардак» хўжалигида катта яратувчилик ишлари бошланиб кетди. Республика йўл қурилиши вазирлиги саъй-ҳаракати билан Сурхондарё вилояти йўл қурилишининг Искандар Маматалиев бошлиқ йўлсозлари 14 чақиримга асфальт ётқизишди. 4 жойда кўприк қуришди. 90 кишидан иборат сангардакликларнинг ҳамжиҳатлиги билан электр устунлари ўрнатилиб, тоғда чироқ ярақлади. Янги мактаб қурилиши бошланиб кетди...

Хўжалик фаолиятини бошлаганида идора дарахтнинг таги бўлди. Бу ҳолни кўрган чапанилар Эшбой аканинг орқаворотдан ўсал қилишарди. Унга туман раҳбарияти, дўстлари, опаси, хотини далда бўлди.

Сангардакликлар аҳил бўлишиб, 950 гектар майдонга мевали олма кўчатларини қадашди. Сув қадами етмаган 74 гектарли мевазорга Исроилнинг томчилатиб суғориш технологияси ўрнатилди.

Кўчатлар экилди. Улар ҳали ҳосилга киргунича ҳали анча йиллар ўтади. Хўжалик даромад қилиши керак. Хўш, ниманинг ҳисобидан? Эшбой ака бу муаммони ҳам осонгина ечди. Тожикистон Республикасининг Ғарм туманига йўл олди. Уруғлик беданинг танланган навидан келтириб оралиқ экин эктирди. 350 гектар майдонда беда пичанидан ташқари нақд 50 тонна сара беда уруғи етиштирилди. Беда уруғи қимматбаҳо эмасми, хўжалик хазинаси бойиб кетди. Тоғликлар қўли пул кўрди. Одамларнинг фаровонлигига илк қадам ташланди. Унинг орқасидан кулиб турганлар тилини тишлаб қолишди.

Бугунги кунда «Сангардак»нинг Хўжахубон, Чанглоғ, Тожик қишлоғи, Дўнончи, Боғча қишлоқларида яшовчи одамлар Эшбой бобо Қодировнинг номини эҳтиром билан тилга олишади. Уни тунда тоғ бағридаги чироққа ўхшатишади.

Яхшилик ерда қолмайди. У халқимизнинг маънавий мулки бўлиб, авлодлар оша қон томиримиздан оқаверади.

Эшбой бобо Қодировнинг нурга йўғрилган файзли чеҳрасига қараб «Шундай яшар одатда одам» дегинг келади. Зеро, кексаликнинг муборак онлари ҳам шундай зеболаниб, безанмоқдан иборатдир.

**Турсун МАҲМАДАЛИЕВ,**
**«Адолат» мухбири.**

---

*Мустақиллик шарофати*



***Ўтган йили мустақиллик байрами арафасида Ўзбекистон Қаҳрамони олий мукофотига сазовор бўлган Паркент туманига қарашли «Заркент» ширкат хўжалиги раиси, шу хўжаликка 45 йилдан бери раҳбарлик қилаётган Тожибой ака Ризаев ҳақида гап кетганда туман ҳокими: «Тожибой аканинг хўжалигида ечилмаган бирор масала йўқ. Ҳамма масала раиснинг ташаббуси билан аъло даражада ҳал этилган», деб кўпчиликни хайратга солган эди.***



# ИККИ ҚАҲРАМОН

Чиндан ҳам ўйга толдирадиган иш. Тожибой акани мен ҳам яхши танийман. «Заркент» ширкат хўжалиги аҳолиси емиши ва устини бутлашдан ташқари, одамлар ҳар йили топган даромадидан фарзандларининг тўй-томошаларини ўтказиб, автомашиналар ҳам сотиб олишаётганига гувоҳман. Ер ишловчиларга баробар бўлиб берилган. Бирор одам аҳолини ишга чиқ, демайди. Маошлари ҳар ой тайин. Иш ҳаққидан истаганча ун, ёғ, ҳатто гуруч, гўшт олиши мумкин...

Яна бир қизиқ жараён. Кутилмаган муштараклик. Ҳам гавда жиҳатидан, ҳам дунёқараши жиҳатидан, ҳам одамгарчилик жиҳатидан, ҳам ишбилармонлик жиҳатидан, ҳам халқпарварлиги жиҳатидан бир-бирларига мутлақо ўхшайдиган икки раис. Бири Тошкент вилоятида, иккинчиси Сурхондарё вилоятининг Денов туманига қарашли Собир Раҳимов номли ширкат хўжалигида. Ҳатто муаммолари ҳам ўхшайди. Йўлим шу томонларга тушиб, тақдир тақазоси билан мазкур ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Иброҳимжон ака Файзуллаев билан ҳам суҳбатлашишга тўғри келди. Беҳад камсуқум, вазмин табиатли, одамни жиддий тинглайдиган, серфикр, сўзлаганда ҳам етти ўлчаб бир кесадиган раҳбар. У кишининг олдига кирадиган одам хижолат тортмай, ё бирор қўрқув ҳиссини туймай, бемалол кира олади. Истаган масаласида, истаганча суҳбатлаша олади.

Аввало ўзи раҳбарлик қилаётган хўжалик аҳолисига яхшилик қилиш учун хўжалик бой бўлиши керак. Иккинчидан, раиснинг бирор одамдан тили қисиқ бўлмаслиги зарур. Ҳар иккала тушунча ҳам ҳалолликни, ҳақиқий меҳнатни талаб этади.

Иброҳимжон ака бошқараётган хўжалик асосан уруғчиликка мослаштирилган. Ғалла уруғларини чет элдан, асосан Россиядан валютага олиб келади. Бунинг учун Ўзбекистон ҳукуматининг розилиги билан ўзларининг валюта фонди ташкил этилган. Деярлик Сурхондарё вилоятига буғдой уруғи етказиб беради.

Ширкат хўжалигининг умумий ери 8776 гектардан иборат бўлиб, суғориладиган ерлари 1311 гектарни ташкил этади. 4471 гектари лалми ерлар. Хўжалик 2001 йили ҳар гектар ердан 60 центнердан зиёд ғалла ҳосили кўтарибди. Демак, беш юз гектар ғалла майдони шунча дон ҳосили берган. Ўтган йили 609 гектар пахта майдонидан 49 центнер пахта ҳосили кўтарилган. 2002 йили ғалладан гектар бошига 70 центнердан хирмон кўтарилди. Пахтадан эса 55 центнерни ташкил қилиши керак. Мўлжал шундай.

Сиртдан қараганда одамлар бир-бирларига ўхшайди. Қиёфаларида ҳам деярлик инсоний ўхшашликлар мавжуд. Лекин сувратлари сийратларидан тубдан фарқ қилади. Кимдир хўжалик раислигини олишга, ўзнинг шахсий манфаатини қондиришга ва бир-икки йил ичида ҳамёнини тўлдириб, жуфтакни ростлаб қолишга уринади. Бундай одамларни на миллат қайғуси, на ватан қайғуси қизиқтиради. Бундай одамлар на мустақиллик билан қизиқадилар. Уларга ҳамма нарса барибир. Амалга қандай осонлик билан эришган бўлсалар, худди шундай осонликча йўқолиб кетадилар. «Заркент» ширкат хўжалиги раиси Тожибой ака 45 йиллик умрини она заминга сарфлади. Миллатнинг, ватаннинг ғамини еди. Ўз манфаатини миллат, ватан манфаатидан устун қўймади. Худди шундай Иброҳимжон ака ҳам қарийб йигирма йилдан бери раҳбарлик қилиб, аҳоли турмуш тарзини юқори даражага олиб чиқди. Давлат режаларини ҳам ўринлатиб мустақилликни мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшди.

Бошқача бўлиши мумкин эмас. Одамга кўп нарса керак эмас. Инсоний умр жуда қисқа. Демак, ватан манфаати, миллат манфаати, мустақиллик манфаатигина абадий. Ушбу туйғу билан нафас олган раҳбар бир ерда муқим ўтириб фақат эзгулик ҳақида бош қотиради. Эзгулик ҳақидаги тушунча эса меҳнат билан, самимият билан юзага чиқади. Ҳар бир соҳанинг ҳам ўз иқтидорлари бўлади. Биз тилга олган ҳар иккала Қаҳрамон ҳам деҳқончиликда катта иқтидор соҳиблари.

Собир Раҳимов номли ширкат хўжалигини айланиб чиқсангиз ғишт заводи, оҳак заводи ва зардўзлик, бичиш-тикиш цехлари, дурадгорлик, темирчилик устахоналари, сартарошхона, этикдўзлик устахоналари фаолият кўрсатиб келаётганлигига гувоҳлик қиласиз. Ширкат хўжалиги қарамоғида 5 та мактаб, 3 та болалар боғчаси ҳам мавжуд. Мана шу мактаб ва боғчаларни таъмирлаш, байрамларини ўтказиш, моддий ёрдам кўрсатишни ширкат хўжалиги ўз зиммасига олган. 3 та амбулатория, 10 та тиббиёт пунктлари, физиотерапия, стадион, спорт майдончалари доимий хизматда.

Ширкат хўжалигининг 100 та оти ва олти мингта ҳисори қўйлари бор. Хўжаликка ўнга яқин қишлоқлар бирлашган. Ҳар ойда ёки ҳар йили мазкур қишлоқларда қанча ўлим бўлиши мумкин? Қанча тўй бўлиши мумкин? Ўлим бўлган хонадонлар таъзия маъракаларига қўй, ун, ёғ, сабзи берилар, зарурат туғилса сўралган пайтда бошқа илтимослари қондирилар экан. Худди шундай тўй-маъракаларга ҳам. Тўғри, булар айтишга осон.

Масалан, бир йилда халқнинг эҳтиёжи учун 2 минг дона қўй берилиши ёки бир неча тонналаб ун, гуруч берилиши ҳамма ҳам ўйлагандай осон иш эмас. Наврўз байрами, Мустақиллик байрами, биринчи қўнғироқ ва боғча болалари эҳтиёжи... Деҳқонлар ва ишчилар ҳар ой ўз вақтида 20 мингдан тортиб 50 минггача маош олиши ҳам осон иш эмас.

Мазкур ширкат хўжалиги мустақилликдан кейинги иқтисодий қийинчиликларни ҳам деярлик сезмади. Чунки бу ерда режалар аниқ, ишлар, ишловчилар аниқ. Ҳамма ўз ишини яхши билади. Хўжакўрсинга ишлайдиган одам йўқ. Қариндош-уруғчилик, ошначилик йўқ. Иброҳимжон ака бу масалани ширкат хўжалигига йигирма йил илгари раисликка сайланганда тушуниб етган ва ҳанузгача буни диққат-эътибордан қочирмайди. Ёрдам фондидан йилига аҳолига ёрдам қилиш ҳақиқий саховатдир.

Иброҳимжон ака фаолиятини темирчиликдан бошлаган экан. Сутчилик фирмасида ҳисобчилик вазифасини ҳам бажарган. 1957 йили Самарқанд қишлоқ хўжалиги техникумига ўқишга киради ва 1960 йили тугатади. 1963 йили Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтига кириб, 1969 йили уни ҳам битиради. Кейин ҳақиқий меҳнат фаолияти бошланади. 1971 йили Сурхондарё вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармасида ўсимликчилик бўлими бошлиғи, 1971-1983 йилгача Денов туман қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва сифати бўйича давлат инспекцияси бошлиғи бўлиб ишлайди. 1983 йилдан буён эса Собир Раҳимов номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси.

Ҳамма натижа, ҳамма муваффақиятлар 1996 йили юзага чиқди. Чиндан ҳам қийинчиликлар ортда қоладиган ва фақат ҳаяжонлар билан нафас оладиган палла яқинлашди. 1996 йили 26 август Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов катта ва улкан хизматлари учун Сурхондарё вилояти Денов тумани Собир Раҳимов номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Иброҳимжон Файзуллаевга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш ҳақидаги фармонга имзо чекди.

Спортда ҳақиқат бор. Унда фақат кучлилар, чопқирлар, чаққонлар ва чидамлилар, фақат иқтидорлиларгина ютиб чиқади. Унда ошна-оғайнигарчилик, қариндош-уруғчилик кетмайди. Фақат ғалабага интилиш, ғалаба нашидасини суриш ҳис-туйғусигина мавжуд. Ширкат хўжаликлари раҳбарлари ҳам агар шу қонунга амал қилсалар, ширкат хўжалигида кадрлар масаласини тўғри ҳал этсалар, табиийки доимо ютиб чиқадилар. Иброҳимжон аканинг йигирма йиллик ютуғи ҳам мана шу кадрларни тўғри танлаши, ишлата билиши, ишни амалга ошираётганида ҳар дақиқа, ҳар сония билан ҳисоблашиши, айни пайтда хушмуомалалигидан деб биламан.

Денов туманидаги Собир Раҳимов номли ширкат хўжалиги ҳам, Паркент туманидаги «Заркент» ширкат хўжалиги ҳам ҳудудининг гўзаллиги ва тозалиги, режаларини доимо ўринлатиши билан, аҳолининг турмуш тарзини йилма-йил кўтарилиши билан, доимий равишда ҳосилдорликни ошириши билан Ўзбекистонга кўрк бўлиб турибди. Бу йўлда икки жамоага, уларнинг бошқарув раисларига муваффақиятлар тилаб қоламиз.

**Ўктам ҲАКИМАЛИ.**

